

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ

Маъруза матни

Чирчиқ 2018 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1-МАВЗУ. Компьютер графикаси ва анимациясига кириш	5
2-МАВЗУ. Растрли тасвирларга ишлов берувчи Adobe Photoshop график редактори	10
3-МАВЗУ. Векторли тасвирларга ишлов берувчи CorelDraw график редактори	20
4-МАВЗУ. Икки ўлчовли анимация яратувчи ва тахрирловчи Adobe Flash график редактори	29
5-МАВЗУ. Компьютер такдимотлари. Microsoft Power Point дастури	37
АДАБИЁТЛАР	47

КИРИШ

Бугунги кунга келиб, жамиятнинг ҳеч бир жаҳасини компьютер ва компьютер технологияларисиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Ҳисоблаш техникаси воситаларининг аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу боис, ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган мутахассис бўлиш ниятидаги талабалар учун «Информатика. Ахборот технологиялари» курсини ўзлаштириш етарли бўлмай қолди.

Замонавий компьютер воситаларидан турли соҳаларда юқори савияда, оқилона фойдаланиш учун «Янги компьютер технологиялари» курси билан бирга «Компьютер графикаси» курси билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фанни ўқитишдан мақсад: талабаларни компьютер технологияларининг асосий ва актуал бўлимларидан бири ҳисобланган компьютер графикасининг дастурий ва техник воситалари билан таништириш. Компьютер имкониятларини ўрганиб чиққан ҳолда, талаба замонавий технологияларидан ўз мутахассислигига доир масалаларни ҳал этишда фойдаланишни билиши лозим. Маъруза машғулотларида ўзлаштирилган назарий маълумотларни амалий машғулотлар бажариш орқали мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Маърузалар матни «Компьютер графикаси» намунавий дастури асосида ишлаб чиқилган.

1-МАВЗУ. Компьютер графикаси ва анимациясига кириш

Режа:

1. Компьютер графикаси ва анимацияси тушунчаси.
2. Компьютер графикаси турлари.
3. Компьютер графикаси билан ишловчи дастур синфлари.
4. Компьютер графикасида ранг тушунчаси. Ранг моделлари.

1. Компьютер графикаси ва анимацияси тушунчаси.

Компьютер графикаси узоқ йиллар давомида вужудга келиб, 1960 йилларда ҳам тўлақонли график тизимлар мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда компьютер графикаси (КГ) ва компьютер анимацияси (КА) атамаларидан фойдаланилади. **Компьютер графикаси** тушунчаси статик тасвирлар билан ишлашнинг барча кўринишлари ўз ичига олса **компьютер анимацияси** динамик ўзгарувчи тасвирлар билан ишлайди.

Компьютер графикаси – ЭХМ бошқарувида график объектларни киритиш, чиқариш, тасвирлаш, ўзгартириш ва таҳрирлашдир.

Компьютер анимацияси – экранда тасвирларни "жонлантириш", компьютерда динамик тасвирлар синтезидир.

Компьютер графикаси – информатиканинг махсус қисми бўлиб, дастурий-аппарат ҳисоблаш комплекслари ёрдамида тасвирларни яратиш ва қайта ишлаш усуллари ва воситаларини ўрганади.

Виртуал фазода ҳажмли объектларни яратиш усуллари ўрганувчи соҳа **уч ўлчовли (3D) графика** деб номланади. Одатда унда тасвир яратишнинг векторли ва растрли усулларида фойдаланилади.

2. Компьютер графикаси турлари.

Тузилишига кўра тасвирлар **растрли** ёки **векторли** бўлиши мумкин. Масалан тасвир ҳосил қилишда сканер уни кўпгина майда элементлар (пикселлар)га бўлиб чиқади ва улардан растрли сурат ҳосил қилади.

Пиксель – бу растрли тасвирнинг энг кичик элементи бўлиб, унинг ранги компьютер хотирасига битларнинг маълум бир миқдори воситасида киритилади. Масалан 800x600 суратда бу сонлар горизонтал бўйича (800) ва вертикаль бўйича (600) пикселлар сонини белгилайди. Пикселлар сони қанчалик кўп бўлса тасвирнинг экрандаги ва қоғозда чоп этилгандаги сифати (разрешение) юқори бўлади.

Векторли графикада тасвирлар математик эгри чизиқларни ранги ва бўялиш рангини кўрсатиш орқали ҳосил қилинади. Масалан оқ фондаги қизил эллипс бор йўғи икки формула – тўғри тўртбурчак ва эллипснинг ранглари, ўлчамлари ва жойлашувини аниқловчи формулалари орқали тасвирланади. Демак, бундай тасвирлаш компьютер хотирасида растрли расмдан кўра камроқ жой эгаллайди.

Векторли тасвирларнинг яна бир афзаллиги – уларнинг сифатини йўқотмаган ҳолда катталаштириш ёки кичиклаштириш имкониятидир. Объектларни масштаблаш математик формулалардаги мос коэффициентларни катталаштириш ёки кичиклаштириш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб растрли ёки векторли форматни танлаш тасвир билан ишлаш мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Рангги узатишнинг фотографик аниқлиги талаб этилганда растрли форматдан фойдаланиш лозим. Логотип, схемалар ва чизмаларни тасвирлашда векторли форматдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шуни таъкидлаш лозимки, растрли ва векторли тасвирлашда (матн ҳам) графика экранга ёки чоп этиш қурилмасига нукталар жамланмаси сифатида узатилади.

3. Компьютер графикаси билан ишловчи дастур синфлари.

Ҳозирги кунга келиб компьютер графикаси ва анимацияси воситалари кириб бормаган соҳани топиш кийин.

Компьютер графикаси ва анимацияси воситаларини кулланиш соҳасига кура куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- полиграфия ишлари учун мулжалланган компьютер графикаси дастурлари;
- икки ўлчамли ранг тасвир компьютер графикаси;
- тақдимот ишлари учун мулжалланган дастурлар;
- икки ўлчамли анимация дастурлари;
- уч ўлчамли анимация дастурлари;
- икки ўлчамли анимация дастурлари;
- икки ўлчамли ва уч ўлчамли анимация дастурлари;

- видеотасвирларни кайта ишловчи комплекслар;
- илмий визуаллаштириш ишларини бажарувчи дастурлар.

Компьютер графикаси ва анимацияси дастурлари расом ва дизайнерлар, полиграфчи ва кинематографчилар, компьютер уйинлари ва укитиш дастурлари яратувчилари, клипмейкер ва олимлар, шунингдек уз фаолиятида турли форматдаги тасвирлардан фойдаланувчи барча мутахассисларда ҳам катта кизиқиш уйғотади.

Полиграфия ишлари ва расм чизиш учун мулжалланган компьютер графикаси дастурлари матнни турли қуринишдаги иллюстрациялар билан тулдириш, саҳифалар дизайнини яратиш, ҳамда юқори сифатли полиграфия маҳсулотларини чоп эттириш имконига эгадирлар. Бундай дастурларга мисол қилиб, тасвирларни кайта ишлаш имконини берувчи Adobe Photoshop растрли пакетини келтириш мумкин. Бу ва шунга ухшаш пакетлар растрли тасвирларни таҳрирлаш ва монтаж қилиш учун зарур бўлган воситалардан: сканерланган тасвирлар рангини коррекциялаш, фотосуратларни «текислаш», махсус эффектлар ва маскалардан фойдаланиш имконини беради. Пакетнинг сунгги версиялари тасвирларнинг куп катламли тузилмасини қўллаш билан бирга векторли контурларни яратиш ва таҳрирлаш имкониятларига ҳам эга. Пакет таркибига турли маскалар, куп сонли филтрлардан ташқари ранг билан ишлаш ва махсус эффектларни яратишга мулжалланган воситалар мажмуи киритилган.

Растрли пакетлардан ташқари полиграфия ишлари учун мулжалланган векторли компьютер графикаси дастурлари ҳам мавжуд. Булардан Windows тизими учун мулжалланган Adobe Illustrator ва Corel Draw дастурлари ҳақида айтиб ўтиш мумкин. Adobe Illustrator иллюстрациялар яратиш, саҳифаларнинг умумий дизайнини ишлаб чиқиш, ҳамда тайер тасвирни юқори сифатда чоп этишга мўлжалланган. Пакет ихтиёрий шаклдаги символлар ва фигураларни яратиш, сунг уларни масштаблаш, айлантириш(уз ўқи атрофида) ва деформациялаш имкониятларидан ташқари матн ва куп варақли ҳужжатларни кайта ишлаш воситаларига эга.

Corel Draw векторли пакети расм чизишдан ташқари турли графикларни тайерлаш ва растрли тасвирларни таҳрирлаш ишларини бажара олади. Бу дастур файлларни бошқариш, компьютер дисплейида слайд-фильмлар намойиш этиш, «қўлда» чизиш ва тасвир катламлари билан ишлаш, уч ўлчамли махсус эффектларни ўқлаш, матнни кайта ишлаш воситалари билан таъминланган. Булардан ташқари Windows муҳитида ишловчи Adobe PhotoStyler, SGI ва Macintosh компьютерлари учун мулжалланган Barco Creator, Live Picture, Scitex Blaze, Linotype Da Vinci, Eclipse, Pixelfx дастурлари ҳам кенг тарқалган. Barco Creator дастури узининг ишлаш тезлиги, ҳамда кенг функционал имкониятлари билан ажралиб туради.

Такдимот ишлари дастурлари.

Macintosh ва Windows муҳитларида ишлатилувчи такдимот дастурлар пакетидан анчадан буён мавжуд дастурлар гуруҳини ажратиш курсатиш мумкин. Бу гуруҳга Lotus фирмасининг Freelance Graphics, Software Publishing фирмасининг Harvard Graphics, Microsoft корпорациясининг Power Point дастурлари қиради. Бу дастурларни ишлаб чиқувчилари ҳар бир янги версияси(русуми)да ишлатиладиган воситаларни қўпайтириб имкониятларини кенгайтирадилар.

Macintosh ва Windows муҳитларидаги янги турдаги такдимот дастурлари пакети мультимедиа воситаларини янада ўқлиқ ишлатишга мулжалланган. Бу дастурлар видео а товушли файлларни ўқлай узатиш (импрот қилиш), диаграммаларда анимация воситаларидан кенг фойдаланиш имконини беради .

Янги турдаги такдимот дастурлар қаторига Macromedia фирмасининг Action ҳамда Gold Disk фирмасининг Astound дастурлар пакети (тўплами) қиради.

Power Point дастури MS OFFICE дастурлар ўқлами таркибига қиради. Ундан фойдаланиш осон, қўлай. Дастурда ўргатувчи ўқув дастури, тайёр такдимот намуналари, матн билан ишлаш воситалари, бошловчилар учун фойдали ёрдам тизими мавжуд .

Power Point дастурида ички мультимедиа воситалари бўлмасида, бу воситаларни OLE-2(Object Linking and Embedding) технологияси ёрдамида кенгайтириш ва ўқлдириш мумкин.

Astound дастури(пакети) янги такдимот дастурлари ичида энг яхшилариандир. У ишлатилиши соддалиги билан ажралиб туради. Товушли клиппар, ҳаркатли тасвирлар ва мультимедианинг бошқа элементларидан бир вақтнинг ўқида барабар (синхрон) ишлатишга имкон беради.

Такдимот дастурлари ичидан OS/2 ва Macintosh муҳитида ишловчи компоновка (ихчамлаштириш, бирлаштириш) ва дизайн воситаларига эга Adobe Persuasion дастурини, Windows муҳитида ишловчи қўчли расм чизиш воситалари ўқлай бошқарувга эга Novell Presentations дастурини, ҳамда слайд-қўғразмалар учун Lifeboat Publishers фирмасининг Demo-it дастурини, такдимотлар имкониятларини кенгайтириш учун мўлжалланган Macromedia фирмасининг Director дастурларини алоҳида эътиборга олиш керак бўлади.

Илмий визуаллаштириш дастурлари

Илмий визуаллаштириш дастурлар нафаъат маҳаллий режалаштириш масалаларини ҳал қилишга, балки қуёш портлашларини визуаллаштириш масалаларини ҳал қилишга мўлжалланган.

ШК да ишлатиладиган илмий ва муҳандислик графикаси дастурлари ичидан Golden Software фирмасининг Surfer ва Grapher, MapViewer дастурларини алоҳида қурсатиш мумкин. Бу дастурлар текислик ва графиклар ҳамда рангли карталар(хариталар) яратиш учун мўлжалланган. Улар DOS ва Windows муҳитларида ишлайди. Рангли график ва хариталарни бу дастурлар ёрдамида ихтиёрий монитор ёки ташқи ўрилмаларга чиқариш мумкин. Surfer пакети $z=f(x,y)$ қуринишдаги функциялар билан аниқланадиган икки ўлчовли берилганларга ишлов бериш ва визуаллаштиришга мўлжалланган. У текислиكنинг рақамли моделини қуради, ёрдамчи амалларини бажаради ҳамда натижаларни визуаллаштиради. Grapher дастури $y=f(x)$ қуринишдаги функцияларга ишлов бериш ва графикларини ясашга мўлжалланган. Унда бир расмдаги графиклар сони ва графиклардаги эгри чизиклар сони чекланмаган. Хар бир эгри чизик 32000 тагача нуктадан иборат бўлиши ва бир графикда хар хил ўлчовли, масштабли бир нечта координата ўқлари бўлиши мумкин. MapViewer пакети карталарни киритиш таҳрирлаш-масштабларни ўзгартириш, координаталарни ўзгартириш ҳамда карталар билан боғлиқ рақамли ахборотга(масалан- демографик маълумотларга) ишлов бериш ва график қуринишда чиқариш имконини беради.

Юқорида келтирилган визуаллаштириш дастурларидан ташқари умумий ҳолда ишлатиладиган қуйидаги визуаллаштириш дастурлари ҳам бор: IRIS Explorer, VIS-5D, PV- Wave, Khronos, Data Visualizer, Data Explorer.

SGIдаги Earth Watch дастури ёрдамида Ер об-ҳаво шароитининг ўлчовли тасвирини моделлаштириш ва қурсатиш, космик суратлар асосида топологик текисликларини қуриш ҳамда об-ҳаво маълумотларини бир ҳафта олдин бериш мумкин.

Видео ва компоновка билан ишлаш тизимлари.

Рақамли видеотасвирларга ишлов бериш дастурлари ҳамда икки ўлчовли ва ўлчовли графикадан фойдаланган ҳолда купкатламли композицияларни яратиш, мураккаб(съемка) суратга олиш жараёни қуриниш эгаллаши, компьютер графикаси ёрдамида суратга олинган материалларга ишлов бериш, суратга олинган материалларни компьютер анимацияси билан ўқитиш, натижаларни кино ва видеотасмаларга чиқариш мумкин.

Windows ва Macintosh муҳитларида ишловчи видеотасвирларни таҳрирлаш дастури Adobe Premier рақамлаштирилган видеони, статик тасвирларни ва товушли файлларни монтаж қилиш имконини беради. Пакетнинг энг охириги версияси (русуми) турли усуллар билан бир нечта мураккаб видеороликларга ишлов бериш, қўлгана филтрлардан фойдаланиш, махсус эффект ва шрифтларни ҳосил қилиш имконига эга. Бу дастурнинг раёбатчилари сифатида ATI фирмасининг MediaMerge дастурини, энг кучли дастурлардан юқоридаги Adobe фирмасининг CoSA After Effects дастурини қўрсатиш мумкин. SGI муҳитида ишловчи Composer дастур Alias/Waferfront фирмасининг махсулотидир. Бу дастур махсус эффектларни яратиш, видеоёзув воситалари, комплекс сахналарни ҳосил қилиш усулларидан фойдаланиш имконига эга. Шулар ёрдамида юқори сифатли видео махсулотларни яратиш, ёзиш, таҳрирлаш, мумкин. Булардан ташқари алоҳида кадрларни ва анимацияли клипларни компоновка қилиш, аралаштириш (микшировать), уларга махсус эффектларни матнларни ўқитиш мумкин. Пакет (дастур) нафақат видеоёзувнинг охириги натижасини, балки оралик кадрларни (натижаларни) ўқитиш имконияти кичик экранларда кузатиш қилиш мумкин.

Composer дастури барча кино ва видеоформатларни ҳамда видео билан ишловчи қўрилмаларни ўқитиш имконини беради. Бу дастурлардан ташқари SGI муҳитида видеога ишлов берувчи Chiron фирмасининг Liberty, Integrated Research фирмасининг Harmony, Parallax фирмасининг Matador, Avid фирмасининг Media Suite Pro, Discreet Logic компаниясининг Flint пакети, Flame, Interno, XAOS фирмасининг Pandemonium дастурлари мавжуд.

Моделлаштириш (2D ва 3D).

2 ўлчовли ва 3 ўлчовли моделлаштириш дастурлари дизайнерлик ва муҳандислик ишланмалари учун ўқитиш келади. Булардан ташқари бу дастурларни ўлчовли анимация, полиграфик, тақдимот пакетлари билан қўлдориш мумкин.

Моделлаштириш дастурлари ичида WINDOWS муҳитида ишлатилувчи энг кучли автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими исфатида Autodesk фирмасининг AutoCad дастурини олиш мумкин. Одатда, AutoCad ни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими(САПР)нинг график ядроси сифатида қабул қилинади. Дастур ёрдамида турли чизик, ёй, матнлар ҳосил қилиш, таҳрирлаш, 2D ва 3D моделларни яратиш, лойиҳалаш жараёнида вужудга келадиган қўлгана муаммоларнинг ечимини автоматлаштириш, хусусий сценарий ва макрокомандалар яратиш, аниқ(конкрет) масала ва иловаларга тизимни сошлаш, адаптация қилиш мумкин.

AutoCad пакети Auto LISP ички дастурлаш тилига эга бўлиб, унинг ёрдамида фойдаланувчи янги буйруқларни ҳосил қилиши ва ҳатто юқори даражадаги дастурлаш тилларидан фойдаланиши мумкин.

IBM ва Macintosh муҳитларида ўлчовли моделлаштириш учун қўпинча Alias/ Wavefront фирмасининг сплайнли моделлаштириш дастури Sketch! ишлатилади. Бу дастур юқори сифатли визуаллаштириш имконини беради. Ray

Dream Designer дастури эса махсус моделлаштириш воситалари тўпламига эга бўлиб, тасвирнинг фотореалистик сифатига эришиш имконини беради. Macromedia фирмасининг MacroModel пакети ва Auto.des.sys фирмасининг Form.Z дастури уч ўлчовли объектларни моделлаштириш ва деформациялаш воситаларига эга.

IBM га мос компьютерларда яна Crystal Graphics фирмасининг Crystal 3D Designer дастуридан фойдаланиш мумкин. Бу дастур визуаллаштириш, сояли эффектлар ҳосил қилиш, юзаларга материалларни жойлаштириш (наложение материалов на поверхности) воситаларига эга. Silicon Graphics нинг ишчи станцияларида ишлатилувчи энг кучли моделлаштириш ва дизайн дастурлари қаторига Alias/ Wavefront фирмасининг Designer, Studio ва AutoStudio дастурларини қиритиш мумкин. Бу дастурлар ёрдамида бир вақтнинг ўзида 2D ва 3D моделлар билан ишлаш ҳамда мавжуд автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари билан муҳассамлашиш масаласининг ечимини топиш мумкин.

Designer дастури сплайнлар асосида юқори даражада моделлаштиришни ўқлаш билан бирга геометрик объектлар хусусиятларини баҳолашнинг етарли воситаларига, анимациянинг ўзлаш усулларига ҳамда рендерингнинг сифатли модулига эга.

Designer имкониятларини ўқдириб, кенгайтириб Studio га айлантириш мумкин. Studio дастури моделлаштириш имконининг юқорилиги, юзалар ва эгри чизиклар билан ишлаш тизимининг мукамаллиги, геометрик объект, рендеринг ва расм қилишни баҳолашнинг ўқшимча имкониятлари билан Designer дан фарқ ўқлади. AutoStudio эса Studio дастурига автомобиль дизайнерлари учун махсус ишлаб чиқилган, моделлар ва анимацияни тахрирловчи махсус воситалар ўқшилиши натижасида вужудга келган. Шунингдек, бу дастурлар Silicon Graphics нинг кўпроцессорли моделларида ишлатилиши учун ўқшимча воситалар ва имкониятлар билан ўқдирилиши, кенгайтирилиши мумкин. SGI муҳитида ишловчи автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари ичида яна Engineering Animation фирмасининг Vislab дастурини айтиб ўтиш мумкин. Бу дастур дизайн ва муҳандислик масалаларининг визуал ечимини яратиш(ҳосил қилиш) имконини беради.

4. Компьютер графикасида ранг тушунчаси.

Ранг моделлари.

Компьютер графикасида ранг жуда муҳим – қўзғатув таассуротни қўчайтириш ва тасвирни ахборотга бойитиш ролини ўқнайди. Биз қўраётган ёритилган буюмдан қайтган ёруғлик қўз қорачиғи орқали қўзимизга ўтади ва қўз ичидаги асаб ҳўжайраларини қўзғатади. Бу ҳўжайралар асаб толалари орқали мия билан боғланганлиги туфайли қўз ёруғлиги мияга ўтади ва онгимизда буюмни қўриш туйғўси пайдо бўлади. Биз буюмни қўраимиз. Атроф муҳитни бундай қўриш қўбилияти қўриш деб, қўриш аъзоси еса қўз деб аталади.


Биз сезги органларимиз орқали атроф муҳит ҳақида жуда қўп маълумот оламиз. Бу маълумотларнинг 90% ни қўриш орқали қабул қиламиз. Ёруғлик оқими бу маълумотларни элтувчи ҳисобланади.

Бизнинг қўзимиз мия билан организмнинг асаб системаси орқали боғланган. Агар қўзнинг тузилишини фотоаппарат, кинога олиш аппарати ва телевизион камера каби ҳозирги замон оптиквий аппаратларининг тузилиши билан таққосласак улар орасида ўқшашлик борлиғини сезишимиз мумкин.

Бирор бир ранглар аралашмасидан олиш мумкин бўлмаган ранглар асосий ранглар дейилади. Қизил, яшил ва қўк ранглар–асосий ранглар ҳисобланади. Уларни бир ҳил аралаштирсак оқ ҳосил бўлади.

Ранг моделлари.


RGB моделининг номи Red - қизил, **Green** – яшил ва **Blue** – қўк бирламчи рангларнинг бош ҳарфларидан олинган бўлиб, ушбу рангларнинг турли пропорцияларда аралаштириш натижасида қўринувчи спектрнинг турли ҳил бошқа рангларини олиш мумкин. Бирламчи рангларнинг аралашмасидан иккиламчи мовий (cyan), пушти (magenta) ва сариқ (yellow) ранглар ҳосил бўлади.



Расм. 1.1. RGB модели.

RGB моделининг ташкил этувчилари 0 дан 255 гача қиймат қабул қилишлари мумкин. $R=255$, $G=255$, $B=255$ бўлганда оқ ранг, $R=0$, $G=0$, $B=0$ бўлганда эса қора ранг ҳосил қилишимиз мумкин.

СМҲК модели бўёқларнинг нурни ютиш қобилиятига асосланган. Оқ рангнинг нур ўтувчи бўёқдан ўтишида спектрнинг бир қисми ютилади. Ютилмаган нур қайтади ва одам кўзига тушади.



Расм. 1.2. СМҲК модели.

Ранглар мовий (**Cyan**), пушти (**Magenta**) ва сариқ (**Yellow**) ранглар аралашмасидан пайдо бўлади. Уларнинг тўлиқ аралашмасидан қора (**black**) ранг ҳосил бўлади. Моделининг ташкил этувчилари 0 дан 100 гача қиймат қабул қилишлари мумкин.

HSB(HSV) модели. Модель номи унга асос бўлган уч компонентнинг бош ҳарфларидан олинган: Hue - ранг тони; Saturation - тўйинганлик; Brightness - ёрқинлик. Модель одам кўзининг рангни хис қилиш қобилиятига асосланган.

Ранг тони 0 дан 360 градусгача диапсондаги бурчак катталиги билан тавсифланади.

Тўйинганлик (ёки хроматиклик) рангнинг тозалик даражасидир. У кул рангнинг бошқа рангга нисбати билан аниқланади (0% – кул ранг, 100% – тўла тўйинган ранг).

Рангнинг **ёрқинлиги** 0 дан 100 гача ўзгариши мумкин.

Синов саволлари:

1. Компьютер графикаси нима?
2. Компьютер анимацияси нима?
3. Растрли графиканинг асоси нима?
4. Векторли графикада тасвир яратиш принципларини санаб ўтинг.
5. Қандай дастурлар расм чизиш учун мўлжалланган?
6. Қандай тақдимот дастурларини биласиз?
7. Илмий визуализация дастурларининг вазифаси нимадан иборат?
8. Энг кўп тарқалган видеотасвирларни қайта ишлаш тизимларини санаб ўтинг?
9. 2D ва 3D моделлаштириш дастурларининг қўлланиш соҳаси?
10. Ранг моделларида рангни ҳосил қилиш усулларини айтиб беринг.

2-МАВЗУ. Растрли тасвирларга ишлов берувчи Adobe Photoshop график редактори

Режа:

1. Adobe Photoshop дастур хакида умумий маълумот.

2. Adobe Photoshop дастурнинг иш куруллари.

Соха танлаш.


Расм тахирлаш.

Матн ва график шакллар яратиш


3. Adobe Photoshop дастурнинг менюси. Image - Образ, Select - Выбор ва Edit - Редактирование

1. Adobe Photoshop дастур хакида умумий маълумот.

Adobe PhotoShop дастурни ишга тушириш учун Windows нинг  асосий меню тугмасини босамиз, унинг ичидан Программы булимини танлаймиз ва Adobe номли гуруҳдан Adobe PhotoShop номли буйрукни танлаймиз. Натижада куйидаги ойна хосил қилинади:




Ушбу ойнанинг юқорисида меню сатри жойлашган. У куйидаги қисмлардан иборат: **Файл (File)**, **Правка (Edit)**, **Рисунок (Image)**, **Слой (Layer)**, **Выделение (Select)**, **Фильтр (Filter)**, **Вид (View)**, **Окно (Window)** ва **Помощь (Help)**.




Унинг тагида иш курулларнинг хусусиятлари соҳаси (**Панель Свойств - Options bar**) жойлашган. Агар ушбу соҳа экранда йук булса уни **Окно (Window)** менюсидаги **Свойства (Options)** буйруги ёрдамида экранга чиқаришимиз мумкин.



Хусусиятлар соҳаси пастида иш соҳаси жойлашган булиб, унинг чап томонида иш куруллар соҳасини (**панель Инструментов - Toolbox**) қуришимиз мумкин. Иш соҳасининг унғ томонида хар хил ёрдамчи соҳалар жойланиши мумкин: **Слои - Layers**, **История - History**, **Каналы - Channel**, **Цвета - Color**, **Стили - Style**, **Свойства кисти - Brushes**, **Свойства шрифта - Character** ва хоказо. Ушбу соҳаларни ҳам **Окно(Window)** менюсидаги буйруқлари ёрдамида экранга чиқаришимиз ва экрандан олиб ташлашимиз мумкин.



Ёрдамчи сохаларни кичкинаштиришимиз ҳам мумкин. Бунинг учун соханинг юкорисидаги кичкиналаштириш (свернуть) тугмасидан фойдаланамиз. Ёрдамчи сохаларда бизга энг керакли бу иш куруллар сохаси (**панель Инструментов -Toolbox**) ва катламлар сохаси (**Слои- Layers**). Янги **PhotoShop** файлини яратиш ёки эски файлни кайта очиш учун меню **Файлдаги Создать** ва **Открыть** буйругларида фойдаланамиз. Файл яратганимизда экранда куйидаги ойна хосил килинади



Бу ойнада унинг номини **Name**, турини **Preset**, эини **Width**, буйини **Height**, сифатини **Resolution**, ранглар холатини, орка рангини танлашимиз керак булади. Хаммасини танлагач **ОК** тугмасини босамиз ва натижада экранда янги буш иш соха хосил килинади.


2. Adobe Photoshop дастурнинг иш куруллари.

Соха танлаш.

Дастурда ишлаш учун ёрдамчи иш куруллар сохасидаги тугмалар билан танишалик. У экраннинг чап томонида жойлашади. Агар у экранда йук булса у холда **Windows (Окна)** менюсидаги **Панель Инструментов - Toolbox** буйрукни ишга туширишимиз керак.

Укуналар панели

Кўринмас куруллар



 Туртбурчак соха танлаш - Rectangular marquee (прямоугольная область) - [M] - иш сохасидаги актив катламда туртбурчак сохани танлаш.

 Айлана соха танлаш - Elliptical marquee (эллиптическая область) - [M] - иш сохасидаги актив катламда эллипс сохани танлаш.

 Алохида сатр соха танлаш - Single row marquee (строка пикселей) - [M] - иш сохасидаги актив катламда битта сатрга тенг сохани танлаш.

 Алохида устун соха танлаш - Single column marquee (столбец пикселей) - [M] - иш сохасидаги актив катламда битта устунга тенг сохани танлаш.

Танланган сохага кушимча соха кушиш учун SHIFT тугмасини босиб туриб ушбу тугмадан кайта фойдаланамиз. Агар эса ALT тугмасидан фойдаланиб соха танласак, у холда танланган сохадан олиб ташлаш маъносини билдиради.

Хусусиятлар сатрида куйидагилар актив булади:

- **SHIFT ва ALT** - тугмалар харакатларига ухшаш холатларни танлаш
- **Feather** - сохаси ёрдамида танланган соха чегараларини калинлиги.
- **Style** - сохаси ёрдамида танлаш холатини танлаймиз. **Normal** - чексиз соха, **Constrained Aspect Ratio** - ёнлари курсатилган пропорциялардаги соха танлаш, **Fixed size** - ёнлари курсатилган катталигидаги соха танлаш.

 Лассо - Lasso (Лассо) - [L] - ихтиёрий сохани танлаш. Агар танлаганимизда ALT тугмасини босиб турсак, у холда бизнинг лассо купбурчак лассога ухшаб соха танлайди ва ALT тугмасини босганимизда танланган соха беркилади.

 Купбурчак лассо - Polygonal lasso (Многоугольное лассо) - [L] - купбурчак сохани танлаш. Танланган сохани беркитиш учун ёки сичконча билан иккитали босиш керак, ёки CTRL тугмасини боси куйворишимиз керак булади.

 Магнит лассо - Magnetic lasso (Магнитное лассо) - [L] - ухшаш ранглар буйича соха танлаш. Компьютер танлаган нухтани бекор қилиш учун Backspace тугмасини босиш керак.

Танланган сохага кушимча соха кушиш учун SHIFT тугмасини босиб туриб ушбу тугмадан кайта фойдаланамиз. Агар эса ALT тугмасидан фойдаланиб соха танласак, у холдатанланган сохадан олиб ташлаш маъносини билдиради.

Хусусиятлар сатрида куйидагилар актив булади:

- **SHIFT ва ALT** тугмалар харакатларига ухшаш холатларни танлаш

- **Feather** соҳаси ёрдамида танланган соҳа чегараларини калинлиги
- **Anti-Aliased** опцияси танланган соҳанинг чегаралар рангини кузга куринмас қилиб бир бирига мослаш
- **Width** - танланган соҳанинг чегаралар калинлигини узгартириш
- **Edge Contrast** - магнит лассонинг сезгувчанлигини узгартириш
- **Frequency** - магнит лассонинг автоматик равишда қуйиладиган нухталар уртасидаги масофа



Сехрли таёкча - Magic wand (Волшебная палочка) - [W] - бир хил рангли соҳани танлаш.

Танланган соҳага қушимча соҳа қушиш учун SHIFT тугмасини босиб туриб ушбу тугмадан қайта фойдаланамиз. Агар эса ALT тугмасидан фойдаланиб соҳа танласак, у ҳолдатанланган соҳадан олиб ташлаш маъносини билдиради.

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив бўлади:

- **SHIFT** ва **ALT** тугмалар ҳаракатларига ухшаш ҳолатларни танлаш
- **Tolerance** - соҳа танлашда сехрли таёкчанинг сезгувчанлигини узгартириш
- **Anti-Aliased** опцияси танланган соҳанинг чегаралар рангини кузга куринмас қилиб бир бирига мослаш
- **Contiguous** опцияси танланган соҳа бита умумий бўлишини ёки бир нечта қисмдан иборат бўлишини таъминлайди
- **Use All Layers** опцияси сехирли таёкчанинг соҳа танлаганлиги ҳама қатламларга тегишли ёки фақат асосий бўлган қатламга тегишлигини таъминлайди

Танланган соҳа устидан биз ҳар хил ҳаракатларни бажаришимиз мумкин. Масалан хотирага қирқиб олиб ёки нусха олиб янги қатламга уни қуйишимиз мумкин. Ёки уни ҳажмини узгартириш ва айлантиришимиз мумкин. Ва нихоят уни иш соҳа бўйлаб силжитишимиз мумкин.



Ҳаракатланувчи - Move (перемещение) - [V] - танланган соҳани иш соҳа бўйлаб ҳаракатлантириш.

Агар ALT тугмани босиб ҳаракатланишни бошласак, у ҳолда танланган соҳанинг нусхаси олиниб у ҳаракатланади. Агар эса SHIFT тугмасидан фойдалансак, у ҳолда танланган соҳа фақат вертикал ва горизонтал ҳаракатланади. Танланган соҳани клавиатурадаги йўналиш стрелкалари ёрдамида ҳам ҳаракатлантириш мумкин, шунда ҳар бита стрелка босилганида, танланган соҳа 1 пикселга силжийди.

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив бўлади:

- **Auto Select Layer** соҳаси - сичконча ёрдамида актив бўлмаган қатламни актив қилиш.
- **Show Bounding Box** - танланган соҳа чегараларида рамка ҳосил қилиш. Ушбу рамка ёрдамида расмни чузиш ва айлантириш мумкин бўлади.



Кадрловчи - Crop (Кадрирование) - [C] - файлнинг керак эмас қисмларни қирқиб олиб расмни кичкиналаштириш. Бунинг учун керакли соҳани танлаб ENTER тугмасини босамиз, агар танланишни бекор қилмоқчи бўлсак ESC тугмасини босшимиз керак.



Булиш пичокчаси - Slice (Нарезка) - [K] - тасвирни бир нечта қисмга бўлиб чиқиб уни Интернетда қисмларга бўлинган ҳолатда чиқариш учун тайёрлаб қуяди.



Булинишларни сошлаш - Slice select (Выбор модулей) - [K] - бир нечта қисмга бўлинган тасвирни сошлаш (булақларни чузиш).

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив бўлади:

- **Style** соҳаси ёрдамида танлаш ҳолатини танлаймиз. **Normal** - чексиз соҳа, **Constrained Aspect Ratio** - ёнлари курсатилган пропорциялардаги соҳа танлаш, **Fixed size** - ёнлари курсатилган қатталигидаги соҳа танлаш.
- **Show Slice Numbers** - қисмларни номерларини курсатиш ёки курсатмаслик
- **Line Color** - булиниш чегараларини рангини узгартириш
- **Promote To User Slice** - булинишларни автоматик горизонтал ва вертикал давомлаш
- **Slice Options** тугмаси - булақчанинг хусусиятларини узгартириш ва сошлаш.

Adobe Photoshop дастурнинг иш қуроли. Расм таҳрирлаш.



Қалам - Pencil (карандаш) - [B] - қалам ёрдамида қизиш.



Муйқалам - Paintbrush (кисть) - [B] - қизиш асосий иш қуроли. Агар муйқаламдан фойдаланган вақтда Shift тугмасини босиб сичконча билан қизсак, у ҳолда тугри қизиклар қизилади. Shift тугма ёрдамида сичконча босиб нухталарни бир бири билан боғлаш ҳам мумкин. Мўйқалам билан қизилган қизиклар ўаламга қараганда чегаралари аниқ қўринмайди.

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив бўлади:

- **Brush** - қалам турини ва калинлигини танлаш

- **Mode** чизикларни расм устида ёзилиш ҳолатини ўзгартириш
- **Opacity** чизиклар қўринмаслик даражасини ўзгартириш
- **Auto Erase** - калам факат бўш соҳада чизиши мумкинлагини ўрнатиш
- **Wet Edges** (мокрые края - "хул чегаралар") акварель билан чизиш эффекти



Нусха олувчи Штамп - Clone Stamp (копирующий штамп) - [S] - расмнинг бошқа қисмига ўхшаш соҳалар яратиш. Нусха олувчи соҳани танлашда Alt тугмадан фойдаланамиз.



Накшли Штамп - Pattern Stamp (штамп узора) - [S] - сиз Patterns соҳасида танланган накш билан қўрсатган соҳани тулдириш. Агар ўзи накш яратмокчи бўлсангиз у ҳолда биринчидан туртбурчак соҳа танлаш иш қуроли билан (Rectangular Marquee) накш жойлашган соҳани танлаймиз, иккинчидан меню Правка (Edit) га кириб унинг ичидаги Назначить узор (Define Pattern) буйруқни танлаймиз ва натижада шу наъш Patterns соҳасида пайдо бўлади.

Хусусиятлар сатрида ўйдагилар актив бўлади:

- **Brush** - калам турини ва қалинлигини танлаш
- **Mode** чизикларни расм устида ёзилиш ҳолатини ўзгартириш
- **Opacity** чизиклар қўринмаслик даражасини ўзгартириш
- **Aligned** - нусха олинган соҳани сичконча ҳаракатидан кейин ўзгариши.
- **Use All Layers** опцияси сеҳирли таёқчанинг соҳа танлаганлиги ҳама катламларга тегишли ёки факат асосий бўлган катламга тегишлигини таъминлайди



Олдинги ҳолатга қайтиш - History Brush (кисть предыстории) - [Y] - бу иш қуролни танлашдан олдин сиз қайтиш керак бўлган ҳолатни Предыстория (History) ёрдамчи соҳада танлаб белгилаб қўйишингиз керак. Кейин эса ушбу иш ўрол билан қамма шу ҳолатдан кейин ҳаракатларни қўрсатилган соҳада ўчиришингиз мумкин бўлади.



Эффектли олдинги ҳолатга қайтиш - Art History Brush (кисть предыстории со спецэффектами) - [Y] - олдинги ҳолатга қайтиш иш қуролига ўхшаш бўлиб, фарқи факат олдинги ҳолатга ўайтишда ҳар хил спецэффектлардан фойдаланилади.

Хусусиятлар сатрида ўйдагилар актив бўлади:

- **Brush** - калам турини ва қалинлигини танлаш
- **Mode** чизикларни расм устида ёзилиш ҳолатини ўзгартириш
- **Opacity** чизиклар қўринмаслик даражасини ўзгартириш
- **Style** спецэффект ҳолатини танлаш
- **Fidelity** - ранглардан фойдаланиш ҳолати. 100% - расмдаги ранглар, 0% - ранглар ихтиёрий олинади
- **Area** - Иш қуролнинг таъсир этиш соҳаси танлаш
- **Spacing** - иш ўролни факат ўхшаш рангли соҳаларда ишлаш ёки ҳар хил рангли соҳаларда ҳам ишлаш.



Аэрограф - Airbrush (аэрограф) - [J] - пуливеризатор ҳолатига ўхшаш чизиш иш ўроли. Агар аэрографдан фойдаланиш вақтда Shift тугмасини босиб сичконча билан чизсак, у ҳолда тўғри чизишлар чизилади. Shift тугма ёрдамида сичконча босиб нухталарни бир бири билан боғлаш ҳам мумкин.

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив бўлади:

- **Brush** - калам турини ва қалинлигини танлаш
- **Mode** чизикларни расм устида ёзилиш ҳолатини ўзгартириш
- **Pressure** - қарска сепиш қучи.



Ўчиргич - Eraser (ластик) - [E] - асосий катламда расм ўчириш. Shift тугма ёрдамида сичконча босиб нухталарни бир бири билан боғлаш ҳам мумкин.



Орка рангни ўчиргичи - Background Eraser (ластик фона) - [E] - факат орқа рангни ўчириш.



Сеҳирли ўчиргич - Magic Eraser (волшебный ластик) - [E] - ухшаш рангли соҳаларни ўчириш.

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив бўлади:

- Ўчиргич ҳолатларини танлаш - муйкалам (**Paintbrush** - кисть), аэрограф (**Airbrush** - аэрограф), калам (**Pencil** - қарандаш), блок (**Block** - блок). Блок ҳолатида сичконча қурсори 16x16 пиксел квадрат қуринишида бўлади. Блок катталиги ҳеч ўзгармайди, шунинг учун расмни 1600% масштабда қурганимизда ушбу блок расмнинг 1 пиксел катталига тенг бўлади.
- **Tolerance** сезғувчанлиги - ранг ўчиришда сезғувчанлигини ўзгартириш
- **Protect Foreground Color** олдинги ранг ўчирилишидан ҳимояланиш.
- Ўчириш йули (**Limits**) - факат чекланган соҳа ичида, (**Discontiguous**) бир хил рангли, (**Contiguous**) муйкалам уртасидаги рангли, (**Find Edges**) ухшаш рангли чегаралари.

- **Sampling** Учириладиган ранг танлаш ҳолатини узгартириш.
- **Anti-Aliased** Чегараларни ёйилиши - учириладиган соха чегаралар ҳолатини узгартириш.
- **Use All Layers** опцияси сеҳирли учиргич тасири хама катламларга тегишли ёки фақат асосий булган катламга тегишлигини таъминлайди
- **Opacity** учуриш даражасини узгартириш



Градиент ранг бериш - Gradient (градиент) - [G] - градиент ёки битта рангдан бошқасига утиш ранги билан танланган сохани тулдириш.



Орка ранг бериш - Paint Bucket (ковш) - [G] - белгиланган сохани битта ранг ёки нақш (тайёр ва биз яратган) билан тулдириш.

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив булади:

- **Gradient Editor** градиент рангли ҳолатларини узгартириш
- Градиент турлари: чизикли (**Linear Gradient**), радиал (**Radial gradient**), бурчакли (**Angular gradient**), ойна аксли (**Reflected gradient**), ромбли (**Diamond gradient**)
- **Revers** градиентда биринчи ва иккинчи ранглари урни билан алмаштириш
- **Dither** градиент ранг билан тулдирилишда чизиклар қуринишини учуриш
- **Transparency** рангсиз сохага тухсат бериш белгиси.
- Ранг билан тулдирилиш турини танлаш ранг-Foreground ёки нақш-Pattern
- **Pattern** тулдирилиш нақшини танлаш
- **Mode** ранг билан тулдирилиш ҳолатини узгартириш
- **Opacity** ранг билан тулдирилган соҳанинг қуринмаслик даражасини узгартириш
- **Tolerance** Сезгувчанлиги (допуск) - ранг билан тулдирилишда чегараларга сезгувчанлигини узгартириш
- **Anti-Aliased** Чегараларни ёйилиши - ранг билан тулдириладиган соха чегаралар ҳолатини узгартириш.
- **Contiguous** - фақат чегараланган сохани ранг билан тулдириш
- **Use All Layers** опцияси ранг билан тулдирилишда хама катламларда соха чегараларини аниқлашни таъминлайди



Контраст камайтириш - Blur (размытие) - [R] - контрастни каматириш ёки ранглари ёйиш.



Контраст қупайтириш - Sharpen (резкость) - [R] - контрастни қупайтириш ёки ранглари аниқлаштириш.



Ранг тортиш - Smudge (размазыватель) - [R] - ранг ёйиш ёки тортиш.

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив булади:

- **Brush** - сичконча қуриниши турини ва қалинлигини танлаш
- **Mode** ранглари узгартириш ҳолатини сошлаш
- **Pressure** ёйиш қучини узгартириш
- **Use All Layers** опцияси ёйилиш тасири хама катламларга тегишли ёки фақат асосий булган катламга тегишлигини таъминлайди
- **Finger Painting** рангга ботирилган бармок билан қизиш эффектига утиш.



Очрок қилиш - Dodge (осветлитель) - [O] - тасвир ранглари очрок қилиш.



Тукрок қилиш - Burn (затемнитель) - [O] - тасвир ранглари тукрок қилиш.



Ранг ҳуллаш - Sponge (губка) - [O] - тасвир ранглари қучайтириш .

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив булади:

- **Brush**- сичконча қуриниши турини ва қалинлигини танлаш
- **Range** таъсир қурсатиш лозим булган ранглари турини танлаш (Shadows - тук ранглари, Midtones - ҳамма ранглари ва Highlights -оч ранглари).
- **Exposure** ранглари очайтириш қучини узгартириш.
- **Mode** ранглари узгартириш ҳолатини сошлаш (Desaturate - камайитириш ёки Saturate - қупайтириш).
- **Pressure** иш қуролнинг тасирининг қучини узгартириш.

Adobe Photoshop дастурнинг иш қуроллари. Матн ва график шакллар яратиш.



Матн - Type (текст) - [T] - тасвирга матн қушиш. Ушбу иш қурол ишлатилгандан кейин янги катлам пайдо булади (Text Layer).

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив булади:

- оддий матн ёки матн чегаралари ҳолати
- матн йуналишини узгартириш
- матн ҳарфлар шаклини узгартириш
- матн ҳарфлар қуринишини эгартириш (калин, ётик, таги чизикли)
- матн ҳарфлар катталигини узгартириш
- матн чегаралар турини узгартириш
- матн абзацда жойланиши: чап, урта ёки унғ томон бўйича
- матн рангини узгартириш соҳаси
- Warp Text - матн кийшайтириш ҳолатлари
- Palettes тугмаси - матн хусусиятларини узгартириш ойнаси билан ишлаш



Туртбурчак - Rectangle (прямоугольник) - [U] - туртбурчак чизиш.



Айланасимон туртбурчак - Rounded Rectangle (скруглённый прямоугольник) - [U] - айланасимон туртбурчак чизиш. Хусусиятлар сатрида бурчаклар радиусини узгартириш соҳаси - Radius пайдо бўлади.



Айлана - Ellipse (эллипс) - [U] - айлана чизиш.



Купбурчак - Polygon (многоугольник) - [U] - купбурчак чизиш. Купбурчак томонларнинг сонини Sides соҳа ёрдамида курсатиш мумкин.



Чизик - Line (линия) - [U] - тугри чизик чизиш. Чизик калинлигини Weight соҳа рдамида узгартириш мумкин.



Махсус шакллар - Custom Shape (произвольная фигура) - [U] - ҳар хил тайёр шакллар чизиш. Хусусиятлар сатридаги Shape соҳаси ёрдамида керакли шаклни танлашимиз мумкин.

Хусусиятлар сатрида қуйдагилар актив бўлади:

- шакл чизилиш ҳолатини узгартириш тугмалари (янги катламда - **Create New Shape Layer**, факат йул - **Create New Work Path**, актив катламда - **Filled Region**)
- шакл турини танлаш тугмалари.
- шакл чизиш йуллари (**Unconstrained** - ихтиёрий, **Square** - тенг томонли, **Fixed Size** - курсатилган размерли, **Proportional** - пропорцияли).
Катлам (Layer - Слои) - ҳар бир график муҳаррирларидек Flash дастурида ҳам катламлардан фойдаланамиз. Қайси катлам юқорида жойлашган бўлса шу катлам объектлар бошқалар устида қурсатилади. Катламни қурилмас ёки узгартирувчан эмас ҳолатга ўтказиш мумкин. Катламлар оддий, ҳаракат траектория катлами ёки маска (пайдо бўлиш) катлам қурилишида бўлиши мумкин. Бир вақтдаги бир нечта ҳар хил ҳаракатлар учун ҳар хил катламлар керак.



Кадр (Frames - Кадр) - Flash ва купкина анимацион мухаррирлар ҳамда видео монтаж дастурлар асосида кадрлар кетма кетлиги жойлашган. Кадрни сиз узингиз чизиб яратишингиз ёки дастур уни узи автоматик яратиши мумкин. Кадрлар ичида бошқарув кадр (keyframes - ключевой кадр) тушунчаси мавжуд бўлиб, у ҳаракат траекториясининг нукталарини белгилайди. Автоматик яратилган кадрлар эса икки хил бўлади: шакллар геометриясини узғариши (shape tweening) ёки бошқарув кадрлар узғариши (motion tweening) асосида яратилган кадрлар.

Кадрлар устидан бажариладиган асосий амаллар


F7 ёки Вставка менюсида Вставить пустой ключевой кадр (Insert blank keyframe) - актив катламда янги буш бошқарув кадр яратиш.
F6 ёки Вставка менюсида Ключевой кадр (Insert keyframe) - актив катламда кейинги бошқарув кадрини яратиш
Shift+F6 ёки Вставка менюсида Очистить ключевой кадр (Clear keyframe) - актив катламда танланган бошқарув кадрини тозалаш
F5 ёки Вставка менюсида Кадр (Insert frame) - актив катламда буш кадрини яратиш
Shift+F5 ёки Вставка менюсида Удалить кадр (Remove frames) - актив катламда танланган кадрини тозалаш



Белгилар (Symbol - Символ) - Flash дастурнинг асосий элементларидан бири. У оддий график ёки бир нечта катламдан иборат мураккаб график тасвир (graphic), анимациялашган клип (movie clip) ёки актив тугма (button) қурилишида бўлиши мумкин. Ҳар битта белги уз ичига бир нечта бошқа белгиларни олиши мумкин бўлганлиги сабабли Flash дастурида ишлаш жуда қулай. Янги белги яратиш учун Ctrl+F8 ёки Вставка менюсида Новый символ (New symbol) буйригини танлаймиз. Натижада янги белгининг яратиш мулоқот ойнаси чиқади, ушбу ойнада биз белги турини (график тасвир - **graphic**, ёки актив тугма - **button**) танлаймиз ва ОК тугмасини босамиз. Янги белгини бошқа йул билан ҳам яратиш мумкин. Агар бирор бир тасвир қисмини сичконча билан танлаб F8 ёки Вставка менюсида Преобразовать в символ (Convert to Symbol) буйригини танласангиз, у ҳолда Flash шу тасвир асосида сиз танлаган турига мансуб янги белги яратади

Белгининг турлари

График тасвир (graphic) - битта кадрдар ва битта ёки бир нечта катламлардан иборат белги. Актив тугма (button) - тўртта кадрдан (Up, Over, Down, Hit) ва битта ёки бир нечта катламлардан иборат белги. **Up** - тугма оддий қурилиши, **Over** - сичконча курсори тугмага курсатиб турган қурилиши, **Down** - сичконча курсори тугмага курсатиб босилиб турган қурилиши, **Hit** - тугма активлашиш соҳанинг қурилиши. Анимациялашган клип (movie clip) - чекланмаган кадрдар ва катламлардан иборат белги. Ушбу белги уз ичига бир нечта бошқа белгиларни (график тасвирлар, актив тугмалар ва бошқа анимацион клипларни) олиши мумкин.




Белгилар кутубхонаси (Библиотека - Library) - хар хил турдаги белгилар билан ишлаш учун Flash нинг махсус ойнаси. Уни экранга чикариш учун Ctrl+L ёки F11 ёки Окно менюсининг Библиотека (Window Library) буйругини танлашимиз керак. Ушбу ойна оркали биз барча белгиларни куришимиз, уларни тахрирлашимиз, янги яратишимиз ва учуришимиз, хамда уларни кадрлар кушишимиз мумкин.

Анимация (Анимация - Animation) - Flash дастурнинг асосий харакатлари. Анимация 2 хил булади: кадрли (покадровое создание) ва автоматик(автоматическое создание промежуточных кадров). Кадрли анимация факат бошкарув кадрлардан иборат булади. Автоматик анимация (tweening) бошкарув хамда автоматик равишда яратилган оддий кадрлардан иборат булади. Flash дастурда икки хил автоматик анимация тури мавжуд: шакллар геометриясини узгариши (shape tweening) ёки бошкарув кадрлар узгариши (motion tweening) асосидаги анимация. Хар хил анимация турларини яратиш ва уларни тахрирлаш асослари билан биз кейинги мавзуларда танишамиз.

3. Macromedia Flash дастурининг иш куроллар сохаси.


Дастурнинг яна бир асосий иш сохалардан бири бу - иш куроллар тугмалар сохаси. У ёрдамида биз хар хил график шаклларни яратишимиз ва улар устидан хар хил амалларни бажаришимиз мумкин булади. Ушбу сохада иш курол тугмалари пастиди  чизиклар рангини ва  орка рангини узгартириш сохалари, хамда танланган иш курол хусусиятларини созлаш сохаси жойлашган. Хар битта иш курол узининг имкониятларига, холатларига ва хусусиятларига эга. Масалан рангни шакл ичига беришда: тулик чекланган шакл, тулик чекланмаган шакл ва бутунлай чекланмаган шакл холатида ишлаш мумкин. Ушбу кушимча холатлар ва хусусиятлар тугма маъносидаан кейин кавсларда курсатилган.




Иш куроллар (ёрдамчи тугмалар) маъноси

-  - V - Шакл ёки сохани танлаш ва уни кадр буйлаб харакатлантириш
-  - A - Кадрда танланган шакл чегараларини узгартириш
-  - N - Кадрга чизик турдаги шакл чизиш
-  - L - Кадрда лассо ёрдамида ихтиёрий соха танлаш (сехирли таёкча ва купбурчак ласо холатлари хам мавжуд)
-  - P - Кадрга купбурчак турдаги шакл чизиш
-  - T - Кадрга матн элементини кушиш

-  - О - Кадрга айлана турдаги шакл чизиш
-  - R - Кадрга туртбурчак турдаги шакл чизиш (брчаклари айланасимон ҳолати ҳам мавжуд)
-  - Y - Кадрга калам ёрдамида шакл чизиш (чизилган шакл чегаралар турини узгартириш ҳолати ҳам мавжуд)
-  - B - Кадрга муйкалам ёрдамида шакл чизиш (чизиш тури, муйкалам калинлиги ва шаклини узгартириш ҳолатлари ҳам мавжуд)
-  - Q - Кадрда танланган шаклни чузиш (шаклни айлантириш, чузиш, кийшайтириш, чегараларини узгартириш ҳолатлари ҳам мавжуд)
-  - F - Кадрда танланган шакл ранглариинг йуналишини узгартириш
-  - S - Кадрда танланган шакл чегаралар рангини узгартириш
-  - K - Кадрда танланган шакл орка рангини узгартириш (тулик чекланган шакл, тулик чекланмаган шакл ва бутунлай чекланмаган шакл орка рангини узгартириш ҳолатлари ҳам мавжуд)
-  - I - Кадрда ишлатилган рангни кайта танлаш
-  - E - Кадрда ихтиёрий сохани учиргич ёрдамида учирш (чегара, орка ранг ва танланган ранг, учиргич калинлиги ва сеҳирли учиргич ҳолатлари ҳам мавжуд)
-  - H - Кадр соҳасини силжитиш
-  - Z - Кадрни масштабини узгартириш (катталаштириш ёки кичкиналаштириш ҳолатлари ҳам мавжуд)
-  - Чизиклар рангини ва  орка рангини узгартириш соҳаларини танлаганимизда куйидаги мулоқот соҳаси ҳосил қилинади.




У ёрдамида ёки ранг коди орқали, ёки 256 рангдан танлаб, ёки спектрдан рангни танлаб олишимиз, ҳамда ранг бериш йулини танлашимиз мумкин. Рангни бошқа йул билан ҳам узгартириш мумкин. Бунинг учун Окно менюсидаги Цветовой набор (Ctrl+F9) ва Цветовой микшер (Shift+F9) буйруқларни ишга тушираемиз.



Ойнанинг унғ томонида кадрни қуриш масштабини узгартириш соҳаси жойлашган. У ёрдамида тулик кадрни, тулик иш соҳани, 25%, 50%, 100%, 200%, 400% ва 800% қуринишига утқазш мумкин.

Хар бир график шакл ва белги узининг хусусиятларига эга. Ушбу хусусиятлани экранга чиқариш ва уларни узгартириш учун чап тугмаси билан танлаб Свойства (Properties) ёки Ctrl+F3 ёки Окно менюсининг шу номли буйругини танлаемиз. Натижада шу номли мулоқот ойнаси экранда ҳосил қилинади ва у ёрдамида биз хар бир график шакл ва белгининг хусусиятларини узгартиришимиз мумкин бўлади.




Масалан, иш соханинг буш жойига босиб шу ойнада хосил килинган элементлар оркали иш соханинг хажмини, орка рангини ва кадрлар алмашиш тезлигини узгартиришимиз мумкин. Агар бошқарув кадр танланган булса, у холда анимация тури, унинг хусусиятлари, товуш билан жихозланиш ва хоказо холатларини узгартиришимиз мумкин. Агар матн элементи танланган булса, у холда матн харфлар шакли, катталиги, интерваллари, ранги, абзацда жойланиши ва хоказо шрифтга тегишли холатларни узгартириш имконияти пайдо булади. Агар эса график шакл танланган булса у холда унинг кадрда жойланиш координаталари, катталиги, чегара чизикларининг калинлиги ва ранги, улар тури ва шаклнинг орка (ички) рангини узгартириш имконияти пайдо булади.

4. Macromedia Flash дастурида анимация яратиш.

Flash дастурида анимация икки хил булади: кадрли (покадровое создание) ва автоматик(автоматическое создание промежуточных кадров). Автоматик анимация шакллар геометриясини узгариши (shape tweening) ёки бошқарув кадрлар узгариши (motion tweening) асосидаги анимация турларга булинади.

Бошқарув кадрлар узгариши (motion tweening) асосидаги яратилган анимация.

Шу турдаги анимацияни яратиш учун биз битта бошқарув кадрни яратамиз ва унга белги кушамиз. Масалан бошқарув кадрда айлана чизилади ва у **график тасвир** белги турига F8 ёки Вставка менюсида Преобразовать в символ (Convert to Symbol) буйриги ёрдамида утказилади. Ёки Ctrl+F8 ёки Вставка менюсида Новый символ (New symbol) буйригини танлаб янги белги яратамиз ва Белгилар кутубхонаси ёрдамида уни бошқарув кадрга кушамиз.



Энди белги жойлашган бошқарув кадрни сичкончанинг унг томондаги тугма ёрдамида танлаб Creat motion tweening ёки Вставить менюсининг шу номли буйругини танлаимиз. Шу харакатлар натижасида бошқарув кадр ранги кук ранга узгаради. Энди сичконча билан янги кадрни танлаймиз, (масалан 25-чи кадрни) ва F6 ёки Вставка менюсида Ключевой кадр (Insert keyframe) актив катламда кейинги бошқарув кадрини яратиш буйругини танлаймиз. Натижада 25-чи кадрда кук рангли бошқарув кадр хосил килинади ва шу кадргача биринчи бошқарув кадрдан стрелка хосил килинади. Биринчи бошқариш кадрдан иккинчи бошқариш кадргача кадрлар кук ранга автоматик хосил килинади. Охирги харакатимиз - бу иккинчи бошқариш кадрдаги белгини узгартириш (чузиш, айлантириш, катталаштириш, кичкиналаштириш ёки кадрдаги жойланишини узгартириш). Энди клавиатурадаги Enter тугмасини босамиз ва биз яратган анимацияни куришимиз мумкин.


Шакллар геометриясини узгариши (shape tweening) асосидаги яратилган анимация.

Шу турдаги анимацияни яратиш учун биз бошқарув кадрлар узгариши (motion tweening) асосидаги яратилган анимация хосил киламиз. Факат энди охирида иккинчи катламдаги белгини бутунлай учуриб унинг урнига квадрат чизамиз. Шу харакатимиздан кейин кадрлар ранги нормал ранга кайтади. Кейин биринчи ва иккинчи бошқарув кадрлардаги **график тасвир** белгини Ctrl+B ёки Изменить менюсидаги Разделить отдельно (Break apart) буйруги ёрдамида алохид шаклларга булиб чиқамиз.


Энди аввал биринчи бошқарув сичконча чап тугмаси билан танлаб Свойства (Properties) ёки Ctrl+F3 ёки Окно менюсининг шу номли буйругини танлаимиз. Натижада мулокот ойнаси хосил килинади ва унда Tweening сохасида Motions урнига Shape холатини танлаймиз. Шу натижасида бошқарув кадр ранги яшил ранга узгаради. Энди иккинчи

бошқару кадрни ҳам сичконча билан танлаб анимация турини Motions дан Shape га узгартирамиз ва охирида клавиатурадаги Enter тугмасини босамиз ва биз яратган анимацияни куришимиз мумкин.

Куришимиз мумкин иккала анимацияларда ҳам иккита бошқариш кадрлар уртасидаги масофа кадрларни компьютер узи автоматик яратган ва анимация тугри чизик буйича харакатланяпти. Аммо агар бизга харакат траектория буйича бажарилиши керак булса, у холда нима килиш керак? Бундай анимацияларни хосил килиш учун бизнинг катламимиз устида махсус  **харакат траектория катламини** яратиш керак булади. Ва шу катламда  калам билан кийшик траектория чизигини чизамиз. Натижани куриш учун клавиатурадаги Enter тугмасини босамиз.



Шу билан бирга автоматик анимацияларда фойдаланиш мумкин булган яна бир эффект мавжуд - бу маска катлами. Маска катламини учун асосий катлам устида янги буш катлам яратамиз. Шу катламни сичкончанинг чап тугмаси билан босиб **Маска - Mask** буйругини танлаймиз. Натижада катлам кук ранга узгаради ва иккала катламлар  узгаришлардан химояланади. Маска катламдан шу химояни учириб, бошқарув кадрда бир нечта туртбурчаклар чизамиз. Кейин яна маска катламнинг химоясини ёкиб клавиатурадаги Enter тугмасини босамиз ва натижани кураимиз.



Маска катламдаги бошқарув кадрни motion tweening анимациялаштирилса харакатланиш эффекти янада чиройли булади.

Синов саволлари:

1. Web саҳифаларни яратувчи қандай дастурий воситаларни биласиз?
2. Adobe Flash технологияси нима?
3. Мулоқот структурасини изохлаб беринг.
4. Flash қандай тип дастурларга киради ?
5. Flash дастуридан нима мақсадларда фойдаланиш мумкин?
6. Flash сайтлари оддий сайтлардан нимаси билан фарқланади ?
7. Дастурда графикларни чизиш учун қайси панел ускуналаридан фойдаланилади?
8. Line Tool, Oval Tool, Rectangle Tool, Pencil Tool, Brush Tool ускуналарининг вазифаларини айтиб беринг?
9. Графиклар чизишда ранг танлашнинг қандай имкониятлари бор?
10. Файлларни импорт қилиш нима?
11. Файлларни экспорт қилиш нима?
12. Flash да матнлар билан ишлашнинг қандай имкониятлари мавжуд?
13. Фильмга товуш бириктириш учун дастлаб қайси буйруқдан фойдаланилади?

5-МАЗУ. Компьютер тақдиротлари. Microsoft Power Point дастури

Режа:

1. Умумий тушунчалар.
2. Microsoft Power Point тезкор тугмалари
3. Тақдиротни созлаш
4. Microsoft Power Point дастурнинг менюси

1. Умумий тушунчалар. Microsoft Power Point дастури.

Компьютер графикаси тушунчасига тухталадиган булсак, компьютер графикаси деганда аввало биз турли хил расмларни ва чизмаларни, анимацияларни, хар хил эффектларни, овозларни узида мужассам этган. Шунн укув жараёнида, конференцияларда ва семинарларни утказишда замонавий техникани куллаш одий булиб колди.

Намойиш этиш учун 35 миллиметрлик слайд плёнкаси ва ташки плёнкалар ишлатилиш одат тусига кирди. Кейинги вақтларда рангли суюк кристалли панеллар таркалган булиб, бевосита компьютер экранига уланади. Бундай презентацияларни тайёрлаш куп меҳнат талаб килинадиган жараёнлардир. Шунинг учун дастур таминости бозорида қатор пакетлар пайдо булдики, улар презентацияларни барпо этиш ва утказиш ишларини соддалаштиришга ёрдам беради. Бундай дастур махсулоти вакилларида бири бу **Microsoft Power Point** дастури дир.

Microsoft Power Point дастури Windows қобиғи остида яратилган булиб, ушбу дастур презентациялар (тақдирот килиш, яъни таништириш) билан ишлаш учун енг кулай булган дастурий воситалардан бири ҳисобланади. Бу дастур орқали барча қурғазмалн курулларни яратиш ва баъзи жойларда эса маълумотлар базаси сифатида ҳам куллаш мумкин. Айрим ҳолларда бу дастурларни мультимедиа воситаларида бошқариш ва куллаб, намойиш этувчи қурилмаларга юбориш вазибаларини ҳам бажариш мумкин. Дастурда ишлаш учун биз янги булган асосий тушунчалар билан танишайлик.

Презентация - бу слайдлар ва махсус эффектлар туплами булиб, уларни экранда курсатиш, тарқатиладиган материал, маъруза режаси ва конспект шаклида битта файлда сакланади.


Слайд - бу презентацияни алоҳида қадри булиб, матнни, сарлавхаларини график ва диаграммаларни уз ичига олади. Power point воситалари билан барпо этилган слайдларни ок-қора ёки рангли принтерда чоп этиш ёки махсус агентлиги ёрдамида 35 миллиметрли слайдларни фотоплёнкаларда тайёрлаш мумкин.

Тарқатиладиган материал - кулай шаклда босиб чиқарилган ва танишиш учун мулжалланган материаллар. Улар бир бетда икки, турт ёки олти слайдлар чоп этилган булади.

Маруза конспекти - Power Point да презентация устида ишлаш жараёнида яратилган маъруза конспекти. Чоп этиш вақтида маъруза конспектининг хар бир бетиде слайд ва текстнинг мазмунини тушунтирувчи кичиклаштирилган тасвир чиқарилган булади.


Презентация структураси (тузилиши) - факатгина слайд сарлавхасини, шунингдек график тасвирсиз асосий матнни ва махсус шакиллантириши ичига олган ҳужжат.

Power Point дастурини ишга тушириш. Бу дастурни ишга тушириш учун Windows нинг "Пуск" менюси ичидаги "Программы" булимидан "Microsoft Power Point" буйрукни танлаймиз. Шундан кейин экранда қуйидаги ойна ҳосил килинади.




Ушбу ойна куйдаги булимлардан иборат: **Мастер автосодержания, Шаблон оформления, Пустую презентацию, Открыть презентацию**.


Агар сиз биринчи - **Мастер автосодержания** булимини танласангиз у холда компьютер сизга янги такдимот турини, таркибини ва ташки курунишини (рангли жихозланишини) танлаб, уни яратишга кадам ва кадам ёрдам беради.



Агар сиз иккинчи - **Шаблон оформления** булимини танласангиз у холда компьютер сизга факат ташки курунишини (рангли жихозланишини) танлаб, уни яратишга ёрдам беради.




Агар сиз учинчи - **Пустую презентацию** булимини танласангиз у холда компьютер сизга янги буш тақдимотни яратишга ёрдам беради.



Ва нихоят агар сиз туртинчи - **Открыть презентацию** булимини танласангиз у холда компьютер сизга илгария яратилган тақдимотни пастдаги руйхатдан танлаб кайта очишга ёрдам беради.

Тақдимотни тахирлаганимизда ва у билан ишлашни бошлаганимизда дастур ойнаси куйидаги курунишида булади.



У Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат, Сервис, Показ слайдов, Окно, Помощь меню булимларидан, Стандартные, Форматирование ва бошка ёрдамчи тугмалар (ускуналар) сатрларидан, иш соҳасидан ва маълумотлар сатридан иборат. Ёрдамчи тугмаларнинг куп кисми бизга бошка Microsoft Office дастурлари (**Word, Excel ва Access**) оркали таниш, шунинг учун факат Power Point га мансуб тугмаларга алоҳида тухтаймиз.

Power Pointга мансуб ёрдамчи тугмалар

1. - Тақдимотга янги буш слайд кушиш. Ушбу тугма танлангандан кейин экранда ойна оркали янги слайд турини танлашни бизга тақлиф этади.
2. - Тақдимот слайдларини шакллантиришда Power Point нинг ташки курунишини (рангли жихозланишини) узгартириш ёрдамчисини ишга тушириш.
3. - Тақдимотни структура режимида курсатганда, слайдлар сарлавхалари ва барча асосий матинларининг курсатиш ёки курсатмаслигини таъминлайди.
4. - Тақдимотни структура режимида курсатганда, слайдлар сарлавхалари ва барча матинларининг жихозланишини (ташки курунишини) курсатиш ёки курсатмаслигини таъминлайди.
5. - Танланган матн объектнинг харфларини сояли (с тенью) ташки курунишига утказиш.
6. - Танланган матн объектнинг харфларини битта кадамга катталаштириш.

7.  - Танланган матн объектнинг харфларини битта кадамга камайтириш.
8.  - Слайд объектларининг пайдо булишини аниқлайдиган анимация эффектларини сошлаш мулокот ойнасини экранга чиқариш.
9.  - Слайд объектларининг унг томондан катталашиб, автомобиль овози билан пайдо булиши анимация эффекти.
10.  - Слайд объектларининг чап томондан катталашиб, хуштак овози билан пайдо булиши анимация эффекти.
11.  - Слайд объектларининг уртадан, катталашиб фотокамера овози билан пайдо булиши анимация эффекти.
12.  - Слайд объектларининг уртадан, ёруглантириб пайдо булиши анимация эффекти.
13.  - Слайд объектларининг унг бурчақдан харфма-харф пайдо булиши анимация эффекти.
14.  - Слайд объектларининг харфма-харф, ёзув машинаси овози билан пайдо булиши анимация эффекти.
15.  - Слайд объектларининг унг томондан карама-карши пайдо булиши анимация эффекти.
16.  - Слайд объектларининг юкоридан сузма-суз пайдо булиши анимация эффекти.

2. Microsoft Power Point тезкор тугмалари

Компьютерда ишлаш вақтимизда хар хил вазиятлар булиши мумкин. Шулардан энг куп учрайдиган бу сичкончанинг носозлиги. Фойдаланувчиларнинг катта кисми эса уш бу курилма оркали асосий амалларни бажаришади, ва шу сабабли шунака вазиятларда иш тухтаб ёки секинлаб қолади.


Шунака вазиятни ечиш учун бизга тезкор тугмалар ёрдам беришади. Тезкор тугмалар ёрдамида биз бирор бир сичконча билан бажариладиган амални клавиатура ёрдамида тезкор бажара оламиз. Шунинг учун уш бу тугмаларни билиш фойдаланувчиларга талаб деб қуйилади. Қуйидаги руйхатда Microsoft Power point дастурининг асосий тезкор тугмалар курсатилган:

1. **CTRL+N** - Янги тақдимот файлини яратиш.
2. **CTRL+M** - Тақдимотга янги буш слайд кушиш.
3. **CTRL+D** - Тақдимотга актив слайд нусхасини кушиш.
4. **CTRL+ENTER** - Слайднинг кейинги элементини тахрирлаш
5. **CTRL+O** - Илгари яратилган тақдимот файлини қайта очиш
6. **CTRL+W** - Экранда очик булган тақдимот файлини беркитиш
7. **CTRL+P** - Тақдимотни коғозга босмага чиқариш
8. **CTRL+S** - Тақдимот файлини саклаш.
9. **F5** - Тақдимот намойишини ишга тушириш
10. **ALT+F4** - Microsoft PowerPoint дастуридан чиқиб кетиш
11. **CTRL+F** - Матн кисмини кидириш
12. **CTRL+H** - Топилган матнни бошқа матн билан алмаштириш
13. **CTRL+K** - Гиперуулланма кушиш
14. **F7** - Имло хатоларни текшириш
15. **ESC** - Охирги узгариш ёки тугалланмаган ҳаракатни бекор қилиш
16. **CTRL+Z** - Охирги ҳаракатни бекор қилиш
17. **CTRL+Y** - Бекор қилинган ҳаракатни қайтариш
18. **CTRL+SHIFT+F** - Слайднинг танланган объект харфлар шаклини узгартириш
19. **CTRL+SHIFT+P** - Слайднинг танланган объект харфлар катталигини узгартириш
20. **CTRL+SHIFT+>** - Слайднинг танланган объект харфлар катталигини битта кадамга катталиштириш
21. **CTRL+SHIFT+<** - Слайднинг танлаган объект харфлар катталигини битта кадамга камайтириш
22. **CTRL+T** - Слайднинг танлаган объект харфлар ташки қурилишини (Формат менюсидаги Шрифт буйруги) узгартириш.
23. **SHIFT+F3** - Харфлар регистрини узгартириш

24. **CTRL+B** - Калин харфлар режимига утиш
25. **CTRL+U** - Тагичизикли харфлар режимига утиш
26. **CTRL+I** - Ётик харфлар режимига утиш
27. **CTRL+ПРОБЕЛ** - Харфлар узгартирилган ташки курунишини бекор қилиш
28. **CTRL+SHIFT+C** - Харфлар ташки курунишини хотирага олиш
29. **CTRL+SHIFT+V** - Харфлар ташки курунишини хотирадан чиқариш
30. **CTRL+E** - Абзацни уртадан ростлаш
31. **CTRL+J** - Абзацни икала томондан буйича ростлаш
32. **CTRL+L** - Абзацни чап томон буйича ростлаш
33. **CTRL+R** - Абзацни унг томон буйича ростлаш


3. Microsoft Power Point дастури такдимотни созлаш.

Агар сиз тайёр такдимотнинг слайдларини анимациялаштирмоқчи бўлсангиз, у холда керакли слайдга  **НАСТРОЙКА АНИМАЦИИ** ойнаси хосил бўлинади. У куйидагича бўлади:





Бу ойнада биз **ПОРЯДОК И ВРЕМЯ** қисмида анимациялаштириш тартибини ҳамда ишга тушиш вақтини ва турини (сичконча ёки вақтга қўра) қўрсатамиз, **ВИДОИЗМЕНЕНИЕ** қисмида эса анимация турини, **ВИДОИЗМЕНЕНИЕ В ДИАГРАММЕ** қисми ёрдамида эса диаграммаларни анимациялаштириш имкониятлари қўрсатилган, **НАСТРОЙКА МУЛЬТИМЕДИЯ** қисми эса слайдни мусика билан жиҳозлаш имкониятларини беради. Бу ойнадаги **ПРОСМОТР** тугмаси ёрдамида биз қилинган ўзгаришларни тайёр ҳолатини қўришимиз мумкин.

Шу билан бирга биз слайдларни рангли жихозланишини ёзгартиришимиз мумкин. Бунинг учун дастур менюсининг **ФОРМАТ** булимидаги **ЦВЕТОВАЯ СХЕМА** буйругини танлаймиз, натижада куйидаги ойна хосил килинади:




Ушбу ойнада куракли рангли жихозланишни танлаймиз ва уни ёки хамма (**ПРИМЕНИТЬ КО ВСЕМ**) ёки факат шу слайдга (**ПРИМЕНИТЬ**) тегишли деб танлашимиз мумкин.


Меню **ФОРМАТ** нинг **ФОН** буйруғи ёрдамида эса слайдларнинг орка рангини ёзгартиришимиз мумкин. Шу менюсининг **ШАБЛОНЫ ОФОРМЛЕНИЯ** буйруги ёрдамида эса слайдларнинг тайёр ранг ва шрифтлар жихозланиш холатларини танлашимиз мумкин.



Агар сиз такдимот ичида слайдларни бир бири билан алмашиш турини ёзгартирмокчи бўлсангиз, у холда **ПОКАЗ СЛАЙДОВ** менюси ичидаги **СМЕНА СЛАЙДОВ** буйругини танлаймиз. Натижада пайдо бўлган ойнада биз слайдларни алмашиш эффектини, тезлигини, ваكتини ва товуш билан жихозланишини танлаймиз.




Такдимотнинг слайдларининг ғртасида харакатланишни осонлаштириш учун биз хар хил бошқариш тугмаларидан фойдаланишимиз мумкин. Бунинг учун **ПОКАЗ СЛАЙДОВ** менюсидаги **УПРАВЛЯЮЩИЕ КНОПКИ** буйругидан фойдаланамиз. Ушбу буйрукни танлаганимиздан кейин бизга куйидаги тугмалар вариантлари такдим этилади.



Шулардан керакли тугма турини танлаб сичконча ёрдамида слайдда шу тугмани яратамиз. Тугма ярата бўлганимиздан кейин экранда **НАСТРОЙКА ДЕЙСТВИЯ** ойнаси хосил килинади. Бу ойнада биз ёки тугмага сичконча билан босганимизда ёки сичконча билан тугмага қўрсатганимизда харакатни бошлаш ва қайси харакатни бошлашни (такдимот ичида харакатланиш, дастурни ишга тушириш ва қайси товуш билан уни жихозлаш) қўрсатамиз.

Такдимот яратилгандан кейин биз меню **ПОКАЗ СЛАЙДОВ** менюсидаги **НАСТРОЙКА АНИМАЦИИ** буйругини танлаймиз. Бу буйрук ойнаси ёрдамида биз такдимотни проектор ёрдамида бошқариш йулини (қўрсатувчи томонидан тўлиқ экран ёки ойна холатида, кетма-кет тушунтирилишсиз ҳамда анимациялаштирилишсиз ва слайдларни алмаштириш йулини курсатамиз)



Такимот тайёр булгандан кейин уни ишга туширишимиз мумкин. Бунинг учун **ПОКАЗ СЛАЙДОВ** менюси ичидаги **НАЧАТЬ ПОКАЗ** ёки **F5** тугмасини босамиз.

4. Microsoft Power Point дастурнинг менюси.

Power Point такдимотлар мухаррирининг менюси ойнани юкори кисмида жойлашган бўлиб у 8 булимдан иборат: Файл, Правка, Вид, Вставка, Формат, Сервис, Таблица ва Окно. Бу бўлимлар ёрдамида биз такдимот, слайд ва уларда жойлашган хар хил матн, расм ҳамда бошка исталган объектлар устидан хар хил амалларни бажаришимиз мумкин. Энди бу бўлимлар билан якинрок танишайлик.

Файл меню командаларининг мазмуни:

Создать... - Янги, илгари мавжуд булмаган такдимотни яратиш (бўш, рангли жихозланган ёки, тайёр шаблондан фойдаланиб).

Открыть... - Мавжуд бўлган (олдин яратилган) такдимотни қўриш ёки ўзгартириш учун очиш

Закрыть - Экранда очик булган такдимотни беркитиш.

Сохранить - Экранда очик булган такдимотни сақлаш

Сохранить как... - Экранда очик булган такдимотни янги ном остида сақлаб ўйиш ёки бошка бир каталогга нусхасин жойлаштириш.

Сохранить в формате HTML... - Экранда очик бўлган такдимотни хотирага гипертекст қўринишида сақлаб ўйиш.

Параметры страницы... - Ишчи саҳифасини форматлашга оид параметрлардан иборат диалог ойнасини хосил қилиш.

Предварительный просмотр - Босмага тайёрланган такдимотни саҳифага жойлашишини олдиндан қўриш.

Печать - Такдимот файлни босмага чиқаришга оид параметрлардан иборат диалог ойнасини хосил қилиш.

Отправить - Файлни бошка компьютерга жўнатиш

Свойства - Файл хақида маълумотлар сақлаш

Правка менюси

командаларининг мазмуни:

Отменить изменения - Маълумотларни ўзгартиришга олиб келган охирги бажарилган харакатни бекор қилиш (орўага қайтиш).

Повторить - Бекор қилинган харакатни қайтариш (олдинги қўринишга қайтиш)

Вырезать - Танлаб олинган слайд объектнинг нусхасини хотирага қўчириб (қирқиб) олиш.

Копировать - Танлаб олинган слайд объектнинг нусхасини хотирага олиш

Вставить - Хотирада жойлашган слайд объектнинг чиқариб курсор турган жойига ўйиш.

Специальная вставка - Хотирада жойлашган слайд объектнинг курсор турган жойига хар хил қўринишда чиқариш.

Очистить - Слайднинг танлаган объект ичини ёки ёзувларни ташки қўринишини тозалаш.

Выделить всё - Бутун слайдда жойлашган объектларни танлаш

Дублировать - Танланган слайд объектининг нусхасини яратиш

Удалить слайд - Танланган слайд объектини ўчириш

Найти... - Бутун слайдда сўз ёки сўзлар кетма кетлигини йдириб топиш командаси.

Заменить... - Бутун слайдда сўз ёки сўзлар кетма кетлигини кидириб топиб бошқасига алмаштириш командаси.

Вид менюси командаларининг мазмуни:

Обычный - Такдимотнинг оддий қўринишига ўтиш
Сортировщик слайдов - Слайдлар руйхати қўринишига ўтиш
Страницы заметок - Слайдлар кичиклаштирилган ҳолатига ўтиш
Показ слайдов - Слайдар такдимотини қўриш
Образец - Такдимотни тайер шаблон қўринишига ўтиш
Черно белый - Оқ қора ҳолатига ўтиш
Миниатюра - Кичиклаштирилган ҳолатга ўтиш
Панели инструментов - Экранда ихтиёрий ёрдамчи тугмалар (ускуналар панели) сатрини ҳосил қилиш ва Настройка тугмаси орқали бу панелларга янги тугмалар жойлаштириши мумкин.
Линейка - Чизгичларни экранда қўриниши ёки қўринмаслигини таъминлайди.
Направляющие - Слайднинг ўртасини қўрсатиш
Колонтитулы - Юқори ёки пастки колонтитулларни яратиш, қўриш ва уларни тахрирлаш
Примечание Слайднинг танланган элементига изох қўйиш
Масштаб Слайдларни қўриниши фоизини ўзгартириш
Вставка меню
 командаларининг мазмуни:
Создать слайд - Янги бўш слайд яратиш
Дублировать слайд - Экранда қўриниб турган слайд нусхасини яратиш
Номера слайда... - Слайдга номерини ўзгариш
Дата и время... - Слайдга автоматик равишда бугунги кун ва вақтни ҳақида маълумотни ўзгариш
Символ... - Слайдга ҳар хил белгиларни қўйиш (масалан: © ® § ¼ ± ³ ² ¢ €)
Примечания - Слайднинг белгиланган элемент мазмуни ҳақида изохларни яратиш (изох сичқончани шу элементга қўрсатганингизда экранда ҳосил бўлади)
Слайды из файлов... - Ташқи жойлашган бошқа файлдан слайд ўзгариш
Слайды из структуры... - Тайер структурадан слайд ўзгариш
Рисунок - Бу команда ёрдамида слайдга расмлар ва ҳар хил график объектлар ўзгарилади. Ушбу гуруҳда: **Картинки** - тайер расмлар коллекциясидан, **Из файла** - компьютерда сақланувчи расмни, **Автофигуры** - тайер график шакллар, **Объект Word Art** - график жиҳозланган матн ва ҳоказо...
Надпись - Матнга устки ёзув ўзгариш. Устки ёзув слайдда эмас балки алоҳида ўтказилганда яратилади ва уни варақа бўйлаб силжитиш мумкин.
Фильм и звук - Слайдга видео ёки аудио объектни ўзгариш
Таблица - Слайдга жадвал ўзгариш
Объект - Бу команда умумлашган команда бўлиб, у алоҳида файлларда сақланувчи Рисунок, Карта ва бошқа бир қанча мураккаб объектларни документида ўзгаришга хизмат қилади.
 Формат менюси командаларининг мазмуни:
Шрифт - Матнга тегишли хусусиятларни ўзгартириш
Список - Матнни руйхат ҳолатига ўтказиш ва руйхат қўринишини қўриш ва ўзгартириш
Выравнивание - Слайд чегаралари бўйича объектларни жойлаштириш
Интервалы - Слайдда объектлар ўртасидаги масофани ўзгартириш
Регистр - Слайднинг ичидаги объектнинг ҳарфлар регистрини ўзгартириш
Замена шрифтов - Объект ҳарфлар шаклини бошқасига ўзгартириш
Разметка слайда - Слайд турини ўзгартириш
Цветовая схема - Слайд рангли жиҳозланишини ўзгартириш
Фон - Слайд орқа рангини ўзгартириш.
Применить шаблон оформления - Тайер шаблон рангли жиҳозланишига ўтказиш.
Цвета и линии - Слайднинг танланган элементнинг ранг ва чизиклар хусусиятларини ўзгартириш.
Прототип - Такдимот элементларини тайер ҳолатларни қўриш ёки ўзгартириш.
 Сервис менюси командаларининг мазмуни:
Орфография... - Такдимотнинг имло ҳатоларини текшириш тизимини ишга туширади.
Язык - Ҳатоларни текшириш тилини ўзгартириш ёки танланган сўзга синоним топиш.
Сравнение и слияние презентаций - Иккита такдимотни бир бирига ўзгариш
Совместная работа - Битта такдимотни бошқа компьютер билан бирга яратиш
Макрос... - Мавжуд макрослар билан ишлаш ёки янгиларини яратиш.
Шаблоны и надстройки... - Документ параметрларини ўзгартириш

Настройка... - Ёрдамчи тугмалар панелларини, меню бўлиmlларини экранда қўринишини ёки тартибини сошлаш, клавиатурадан бажариладиган амалларни ўзгартириш.

Параметры... - Дастурнинг асосий параметрларини ўзгартириш ва унинг ишлаш ҳолатларини сошлаш.

Показ слайдов командаларининг мазмуни:

Начать показ - Слайдлар тақдимотини бошлаш

Настройка времени - Слайдлардаги объектларни пайдо бўлиш вақтини сошлаш

Звукозапись - Слайдга товуш тайёрлаш

Настройка презентации - Тақдимотни ишга тушиш ва ишлаш ҳолатларни сошлаш

Управляющие кнопки - Бошқариш тугмаларини қушиш

Настройка действия - Объектга мос ҳаракатни танлаш

Встроенная анимация - Тайёр анимациялаштиришдан фойдаланиш

Настройка анимации - Тақдимотни ичидаги слайд объектларнинг анимация ва аудио имкониятларини сошлаш ва улар тартибини курсатиш

Просмотр анимации - Слайднинг анимациясини қуриш

Смена слайдов - Слайдларни бир бири билан алмашиш ҳолатини танлаш

Скрыть слайд - Слайдни қуринмас қилиш

Произвольный показ - Слайдни ихтиёрий тартибда қўрсатиш

Окно менюси омандаларининг мазмуни:

Новое - Тақдимот файлини иккита ойнада қўрсатилишини таъминлаш.

Упорядочить все - Ҳамма очик тақдимот файллар ойналарини экранда ёнма-ён қуринишини таминлаш.

Каскадом - Ҳамма очик тақдимот файллар ойналарини экранда устма-уст қўринишини таъминлаш.

Следующая область - Кейинги соҳа ёки слайд объектга ўтиш.

Юқоридаги буйруқларни қўп ўисмини биз ёрдамчи ёки тезкор тугмалар ёрдамида бажаришимиз мумкин. Шунинг учун вақтни тежаш мақсадида қўп компьютер фойдаланувчилари меню хизматларидан кам фойдаланилади.

Синон саволлари:

1. Умумий тушунчалар.
2. Microsoft Power Point тезкор тугмалари
3. Тақдимотни сошлаш
4. Microsoft Power Point дастурнинг менюси

АДАБИЁТЛАР

1. М.Н.Петров, В.П.Молочков Компьютерная графика. Учебник – СПб: Питер,2003 – 736с.
2. Конспект лекций по дисциплине «Применение средств компьютерной графики в системах автоматизированного проектирования» для подготовки бакалавров. 2005
3. Виртуальная работа в 3D Studio MAX3.0, М.: -Позновательная книга.
4. Стразницкас М. Photoshop 5.5 для подготовки Web-графики. –С.-Петебург: Sybex, 2000 – 473с.
5. Симонович С.В. и др. Специальная информатика: Учебное пособие. – М.: АСТ – ПРЕСС: Инфорком-Пресс, 2002. – 480с.
6. Эффективная работа с CorelDraw 10. , СПб.:Питер, Бейн, Стив,2002
7. Karimova D. Computer science. Information Technologies: Part 2-1.,2005
8. Справочные руководства программ.
9. М.Маров, 3D Studio MAX 2.5: справочник – СПб: «Питер», 1999. – 672 с.

Интернет манбаълари:

<http://ziyonet.uz>

<http://rusgraf.ru>

<http://www.museum.ru/museum/cga/apps/review/Review.html>

<http://do.rksi.ru/library/courses/ipsvs/ipsvs2.dbk>

<http://edu.nstu.ru>

<http://graphics.sc.msu.su/courses/cg02b>